

Олимжон Бўриев

# АТТОИР

*Шеърлар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
1989

Уз2  
Б99

## Шоирнинг илк китоби

---



**Бўриев, Олимжон.**

Аттоир: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—56 б.—(Шоирнинг илк китоби).

Одам қадри қачон билинар? Ёрнинг-чи? Мушфиқ Ватаннинг-чи? Қачон ер қадри ҳақида ўйлай бошлаймиз?

Олимжон Бўриев шеърлари Сизни ўзи билан куюнишга, қайғуришга, умидланишга чорлайди. Унинг кечани — ойдинликка, кунларни — муҳаббат ва қадр ила тўлмоғига ишончи комил.

Буриев А. Аттайир: Стихи.

Уз2

Б 470260202—186 / М. 352 (04)—89 - Доп 89 © Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1989., йил.

ISBN 5—635—007945

## АТТОИР

*Онам Баргиной Бекмурод қизи хотирасига*

Ҳар юлдуз чароғи сўнса самодан,  
Бир одам кўз юмар ёруғ дунёдан...

Фалак деб аталган бу вайронадан  
Не қолур, айрилсак агар онадан?..

Сўндинг қиблагоҳим мисли аттоир,  
Мен сендан оламда қолган битта нур...

## ҚАДР

Ноннинг қадри билинар  
Қаҳатчилик йилларда  
Болалар оч қолганда.

Дўстнинг қадри билинар  
Бегона шаҳарларда  
Елғиз муҳтож қолганда.

Ернинг қадри билинар  
Ўзи кетиб, қўлингда  
Бир тола соч қолганда.

Она қадри билинар  
Болагинанг «ойи» деб,  
Кўзида ёш қолганда.

Ватан қадри билинар  
Ватанидан хорижда  
Кесилган бош қолганда.

Одам қадри билинар  
Узи кетиб, ўрнида  
Бир битиктош қолганда.

\* \* \*

... Қадимий турк элатларидан  
Бир сўз қолди бу ерда — Туман.  
Энасойдан шимолга қадар  
Асотирлар сўйлаган Ватан.  
Изғирин, қор, бўронларингдан  
Паноҳ истаб ухлар айиқлар.  
Уч ой сузиб кейин тўққиз ой  
Дам олади бунда қайиқлар.  
Бу ер ости хазинага кон,  
Афсоналар ошиғи бу — Мен,  
Аждодларим руҳи чорлади,  
Лаҳза сайин қайтаман, Ватан.

\* \* \*

Оғир ҳансирайди  
Томирларимда  
Қонимга қоришган  
Ужар ҳисларим.  
Садоқатдан сўзлар  
Лекин аслида  
Сотқинга ўхшайди  
Баъзи дўстларим.  
Нафратимни ошкор  
Айтолмаганда,  
Хайрият бор экан —  
Айтди қўзларим.  
Бугун ўтмишимни  
Уйлаган сайин  
Дилда янгиланар

Чандиқ излари.  
Ватанни севдим-ку  
Гуллари билан,  
Тупроғини ўпдим,  
Титраб тизларим.  
Умримнинг буёғи  
Қандоқ кечаркин?  
Елга кетмаса бас  
Айтган сўзларим.

\* \* \*

Март феврални қувган чоғида  
Қўтарилар бир мовий исён.  
Дарахтларнинг урён шоҳида  
Илк куртаклар бўлар намоён.  
Қўкда ёнар юлдузлар бирдан,  
Қуёш кетар ерларга ботиб.  
Энтикади жилғалар қирдан  
Дараларга ўзини отиб.  
Қўкси сиғмай кўйлақларига,  
Замин қиздай тўлғанар бедор...  
Эркалайди олиб бағрига,  
Лабларидан ўпади баҳор.

### **БАҲОРНИ ҚЎМСАДИМ...**

Баҳорни қўмсадим...  
Гулу лолаларнинг хандон юзига  
Лабларимни қўйиб,  
Ўпмоқ истадим.  
Баҳорни қўмсадим.  
Сел бўлиб дарёлар йўлим тўсса ҳам,  
Саноқли умримдан бир гул узса ҳам,  
Мурғак ўйларимни келиб бузса ҳам  
Баҳорни қўмсадим.

Уй суриб хаёлчан юраман,  
Ўзимни бешикда кўраман,  
Гул каби очилиб тураман...  
Онамнинг орзуси — улгайсам...  
Оқ сочи — оқ йўлим,  
Қучоғи — оҳ, сўлим —  
Баҳордай.  
Манглайда қўллари —  
Истиқбол йўллари  
Мисоли ўйлари...  
Истадим, онажон,  
Бир гўдак бўлмоқни,  
Қўлингда кулмоқни,  
Юзларинг сийпалаб,  
Жажжи қўлчаларим билан  
Сочларинг тортқилаб, юлмоқни,  
Осмондай бағрингда ой каби тўлмоқни  
Истадим...  
Эмаклаб-эмаклаб кўчсайдим,  
Итларни дўстим деб қучсайдим...  
Қушларга уяча қурсайдим,  
Бўйимга гул ўлчаб юрсайдим,  
Гулзорни қўмсадим.  
Истадим:

Онамни ёш кўрсам,

Отамни ёш кўрсам,

Ўзимни кичкина ирмоқдай,  
Қўш дарё бағрида  
Юзларимда қуёш кўрсам...  
Кўзларим исённи яширди,  
Кўзлари қалбимни тоширди,  
Лаблари мастлигим оширди,  
Дилдорни қўмсадим.  
Севардим у нозли кўзларни,  
Ҳаёдан қизарган юзларни,  
Дилларни ром этган сўзларни

Қўмсадим.  
Қўмсадим:  
Қайдасиз?  
Қайтингиз —  
Тарк этган туйғулар,  
Илк севги, илк ёниш,  
Тўлғаниш.  
Шеър ёзиб улғайиш...  
Ечилиб қалбимдан шеърий тугунлар:  
Йиллар умримиздан узаркан занжир,  
Сочинг занжирига шеърим улайин,  
Умринг занжирига умрим улайин,  
Йиллар умримиздан узаркан занжир...  
Муҳаббат баҳорин қўмсадим.  
Ул юксак тоғларда,  
Навбаҳор чоғларда,  
Сўлим қирғоқларда,  
Тўю улоқларда,  
Шиддатли дарёдай жўшиб қалб,  
От суриб улоқни олардим,  
«Еҳу!»— деб, чап бериб қолардим,  
Шер каби ё тикка солардим,  
У кунлар шитоби,  
Қалбимнинг китоби,  
Ешликнинг дарёси,  
Сеҳрли дунёси  
Қайдасан?  
Сен ўчмас хотира,  
Қайтмас баҳорсан.  
Сен дилдан абадий узилган торсан,  
Сен энди келажак наслга ёрсан,  
Баҳорсан... Баҳорсан... Баҳорсан...  
Юлдузлар ухлайди, уйғонар қуёш,  
Ҳорғин кўзларимда юлдуз каби ёш,  
Бир кун бу дунёдан олиб кетсам бош,  
Мени ким қўмсар?

Севиб дийдоримга тўймаган қизми?  
Тунлари чорлаган ёруғ юлдузми?  
Ё менинг меҳримдан унган илдиэми?  
Ё дилда айтилмай қолган бир сўэми?  
Айтгил, деб такрор,  
Қўмсарми баҳор?  
Энди кулгуларим тўкилмас тошга,  
Энди ташвишлар ҳам тушмоқда бошга,  
Энди интиламан юксак қуёшга,  
Қайтиб келмаса ҳам баҳорим бошқа,  
Баҳорни қўмсадим.  
Баҳорни...  
Қўмсадим...  
Баҳорни...

\* \* \*

*Ўзбек тилининг изоҳли луғати муаллифларидан бири,  
аллома Сафо Зуфаровга.*

Мен яшадим, ээгу ҳисларим,  
Жоним фидо Ватан тупроғи.  
Сенда қолсин менинг изларим,  
Учганда ҳам умрим чироғи.  
Мен шу Ватан хокида ўсдим,  
Йўлим эди сирли ва узоқ.  
Кимдир мендан қуёшни тўсди,  
Кимдир қўйди йўлимга тузоқ...  
Кўпни кўрдим, сочларим қордир,  
Хотиралар қийнар дафъатан,  
Кўксимда бир армоним бордир,  
Она тилим сен учун зотан.  
Ёдномалар менга қадрдон,  
Нурли йўлга бошлади ақлим.  
Тупроқдан зар изласа деҳқон,  
Мен тилингдан изладим, халқим.  
Камолингга қилурман ҳавас,



Мангуликнинг гувоҳи дилим.  
Асрларга бўлиб ҳамнафас,  
Сен яшарсан, эй она тилим!

## ЗЕБУННИСО

### I

Зебуннисо уч газал битди,  
Уччови ҳам бўлгандир қўшиқ.  
Қолганлари қайдадир йитди,  
Куйлолмадик уларни жўшиб.

«Зулфи ҳалқа» қайларда қолди,  
Армон бўлиб сўнарми дилда?  
Икки тилда у доврўқ солди,  
Қўшиқ бўлди у икки тилда.

Муинзода йиғлатма мени,  
«Зебу зийнат керак эмасдир».  
Шоҳ қизидек севмоқлик сени  
Бу дунёда фақат ҳавасдир.

«Лайли зоти» бўлганинг билан,  
Бобурийлар авлодидансан.  
Мажнунингни топа олмасдан,  
Ҳамон маюс йўлга қарайсан.

«Ҳар матога бордир харидор»,  
Сени-чи, тоқ қолдирди фалак.  
Шунинг учун учта тоқ ашъор,  
Харидорин излайди ҳалак.

### II

Қайдан ҳам дуч келдим мен шўрлик,  
Хато ўтди мендан ҳар нима.  
Сендан яна уч дона тўртлик,

Келтиришди, қилдим таржима.  
 Ўз ҳаддимни гарчи биларман,  
 Дил амрини ижро қиларман:  
 «Мен илон оғзидан шакар тиларман,  
 Ургумчак инидан уқпар тиларман.  
 Арслондан қўрқмасдан сут талаб қилсам,  
 Ялангоёқ марддан мен зар тиларман».  
 Мени кўриб шунда йиғлади булоқ,  
 Унинг ҳасратига солингиз қулоқ,  
 «Не учун фарёд чекарсан, сўзлагил, эй шаршара?  
 Андухи бирла юзингга ким ажин солмиш, қара?  
 Не эди дардингки ғам чекдинг туну кунлар мудом?  
 Бош уриб тошларга йиғларсан, нечук бу манзара?»  
 — Мендан сув ичганди бир замон шоир,  
 Иброҳим Лўдини енгган чоғида.  
 Сўнг қайтиб келмади, келмади охир,  
 Ҳамон йиғлагайман унинг доғида.  
 Ундан эшитгандим ўзбекча қўшиқ,  
 Ватан меҳрин олиб келганди қўшиб:  
 «Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
 Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
 Ўз ерни қўйиб ҳинд сори юзландим,  
 Ераб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди».  
 — Кеча бир қиз келиб ювди кокилин,  
 Мендан яширмади асрори дилин:  
 «Андалиб гулдан кечар бориб чаман кўрса мени,  
 Бутпарастлик қилмагай гар бахраман кўрса мени,  
 Сўзаро бўлдим ниҳон хушбўй гуллар баргидек,  
 Қимки кўрмоқ истаса сўз ичра шан кўрса мени».  
 — Бу ўша шоирга ўхшарди жуда,  
 Балки қизи эди, ё набираси.  
 Форсийда ўқиди, кейин туркийда,  
 Хотиримда қолди илиқ нафаси.  
 «Кўпдан бериким ёру диёрим йўқдир,  
 Бир лаҳзаю, бир тоқат, қарорим йўқдир...»  
 — Бу ўша шоирнинг ҳасрати эди...

Сўнг қайтиб келмади, келмади у ҳам,  
 Энди мен сўзларман ғамгин афсона.  
 Жаннатга уларни излаб боролсам,  
 Аслида шеър тинглаш эди баҳона.  
 Оҳ, сен шоирларнинг севар булоғи,  
 Ҳатто сен шеър учун ўлмоқ истайсан.  
 Улар армонни куйлаган чоғи,  
 Сен-да, бир шонрсан, ўзинг билмайсан.  
 Бобур эди ўша музаффар шоир,  
 Зебуннисо эди ўша гўзал қиз,  
 Беш юзни яшади барҳаёт Бобур,  
 Зебуннисо ҳамон жуфтидан ёлғиз.

### ЖАҲОНДОР

Сен дунёга келдинг тонг-саҳар,  
 Пайдо бўлди кўкда бир юлдуз.  
 Истиқболдан келтирди хабар.

Оилада суюмли тўнғич,  
 Катта ўғил ўзинг, Жаҳондор,  
 Отанг каби сочларинг қўнғир.

Жуда ширин куласан гоҳи  
 Лабинг қизил ғунчага ўхшар,  
 Қўлларингни бер, қўзичоғим.

Бошим узра кўтараман даст,  
 Тилларингдан томади шакар,  
 Менинг бўйим сеникидан паст.

\* \* \*

Тоғларнинг бағридан отилган булоқ,  
 Менинг юрагимга сиғмаган туйғу.

Қақликлар маст бўлиб сайрайди бу чоқ,  
Айиқлар кўзидан қочади уйқу.  
Осмонни тутгандай гўё шохида,  
Оҳулар тоғларда учиб юради.  
Сесканиб қўяди тоғлар гоҳида,  
Қисматини ўйлаб хаёл суради:  
— Наҳот атом жанги бошланар бир кун,  
Тоғлар ҳам бўлармиш ер юзидан йўқ.  
Етар, минг асрлар яшадим тутқун,  
Етар қор, ёмғир ва овчи отган ўқ.

\* \* \*

Қулаб тушдим баланд чўққига етмай,  
Ваҳимага солди мудҳиш соялар.  
Вужудим тилкаланиб кетмай,  
Мени омон асраб қолди қоялар.  
Яна интиламан юксаклик сари,  
Умидвор кўзларим шавқдан ёнарак.  
Токи менга тушиб халқим назари,  
Десинки ўғлимда бор экан юрак.  
Неча бор интилдим, чиқолмадим леқ,  
Йўлларимни тўсди мудҳиш соялар.  
Сизга етмагунча туrolмасман тек,  
Кўплар чиқолмаган юксак қоялар.

## ЙУЛЛАР

Йўллар сизни босиб ўтдим мен,  
Хотиротга ёзиб ўтдим мен.  
Хаёлларим уланди сизга,  
Гоҳо сўқмоқ, гоҳ пўлат изга.  
Йўллар, сизда кезганда илк бор,  
Туғилганди қалбимда ашъор.  
Йўллар, сизни олиб кетдим мен,  
Қўшиқларга солиб кетдим мен.

Босган йўлим гулга тўлар деб,  
Босган йўлим ёруғ бўлар деб,  
Қалбингга йўл топай, деб инсон,  
Тўлда, йўлда, йўлдаман ҳамон.

\* \* \*

Сизда бордир «ғалат истеъдод»,  
Балки менга шундай туюлди.  
Хаёлингиз бамисоли от,  
Ҳар томонга чопди, суюлди.  
Тўрғай каби қўшигингиз ҳам,  
Етиб борди аллақайларга.  
Бир ҳолатда қайтдилар сархам<sup>1</sup>,  
Жўр бўлолмай ҳазин найларга.  
Қаҳ-қаҳ!  
Ерда ожиз ҳақиқат,  
Юлдузларга етмайди қалам.  
Сиз бўғишни ўйлайсиз фақат,  
Бўғиласиз, қилади алам.  
Оҳ, инсонни тушуниш оғир,  
Оғир юксак фикрига етмоқ,  
Лекин жуда, жуда осондир  
Юксалмасдан тубанлаб кетмоқ.

## ҲАРБ

*Шеърингизга халқ толиб бўлсалар сўнгера ўқинг,  
Е магар поси намак тутмоқлик осон бўлдимму?*

Муқимий

Мурғи бисмил янглир  
Эй зада кўнглим,

---

<sup>1</sup> Сархам — бошини эгиб.

Чўчима  
Ваҳшатли тайёралардан.  
Тайрлар парвозин  
Унутдинг наҳот,  
Ихлосинг қайтдим,  
Сайёралардан...  
Кимнинг қанотлари  
Оловда куймас  
Самандар мисоли  
Бўлгай хужаста<sup>1</sup>.  
Ким Насри Тоирни  
Зиёрат этгай  
Сендай мажруҳланиб  
Қуламас пастга.  
Ҳамда абадийлик  
Қарғаси бўлиб  
Ёруғ кунларингга  
Соя солса тун.  
Нечун хуршидсимон  
Чарақламайсан,  
Йилдиримдек бағрин  
Тилмайсан нечун?  
Бозлардан  
Қарғалар кулганда «қаҳ-қаҳ»,  
Сендан-да кулади  
Марди беурфон,  
Тескари дунёни  
Ростлолмай, эй ваҳ,  
Ҳаётинг равийдир  
Ҳазрати инсон.  
Бойқушлар мунтазир  
Борми вайрона,  
Менинг бу сўзимга

---

<sup>1</sup> Муборак.

Боқманг ҳайрона,  
Келган меҳмон кетар  
Учиб тайрона,  
«Ўз уйим ўзимга  
Керакдир, она!»<sup>1</sup>  
Меҳвардек ким тургай  
Бу оламда тик,  
Сенинг-да,  
Менинг-да,  
Бўйнимиз эгик,  
Кимдан қўрқиб,  
Кимдан қиламиз ҳадик,  
Бизга лозимдирму  
Фарангий ўгит,  
Машриқ ҳикматидан  
Наҳотки, тўйдик?!  
Вужуд шишасида  
Тош қотгай эй дил,  
Қачон ўз бурчингни  
Адо қиласан?  
Бир парча этдан сен  
Қушга айланиб  
Қачон сайри арзи  
Само қиласан?  
Киприклар кўзимни  
Олади михлаб,  
Беҳуш йиқиламан  
Аврар ёсуман,  
Тун бўйи кўксимда  
Чиқасан йиғлаб.  
Қачон кун келади  
Сен куладиган?  
Не учун борига

---

<sup>1</sup> Асқар Қосимовдан.

Қилмайсан шукур,  
Не учун қийнайсан  
Жисму жонимни?  
Майли, ногора қоқ,  
Табли жанги ур,  
Сен учун довлашиб  
Тўкай қонимни.  
Йиғилар дарёси  
Тўхтамай оқиб,  
Қурбон сўзлар бўлди  
Қон баҳрига ғарқ.  
Рудакий кўзига  
Мил тортишганда  
Минг йил бурун шундай  
Йиғлаганди Шарқ!  
Махзан оламида  
Савдойи каби  
Бир гуруҳ қидирар  
Ғайри таомил.  
Тўтинаволарга  
Боқиб ҳайронман  
Булар на соғдурур  
На ақли комил!  
Шарқдан ажойибот  
Қидирган фаранг,  
Ешларни комига тортар  
Ҳар важда,  
Лекин «адаб аҳли»  
Фурсат келди танг,  
Ғарбга нечун сизлар  
Қиласиз сажда?  
Айтинг, қайда ўшал,  
Баҳри комёб,  
Ҳазрат Навоийдек  
Малик — каломлар?  
Қайда ул назмки,



Мисоли офтоб,  
Дилни ёритгаю  
Ботмагай шомлар!  
Борми туркийдан ҳам  
Муқаддас калом,  
Айтинг, оврупоча,  
Кийинган мулла?  
Халқни чалғитмоқдан  
Мурод не, мудом  
Шоир ниқобида  
Кўринган туллак?!  
Шамсу қамар қолиб  
Узлатда ҳайрон,  
Олмон мушагига  
Хуштор бўлдингиз,  
Шухрат ботқоғига  
Кўмилиб урён,  
Хурофий ҳислардан  
Пуштдор бўлдингиз.  
Машриқ муҳитидан  
Мағриб қудуғи  
Қадимулайёмдан  
Эрур баҳриёб,  
Шарққа ҳароратин  
Бахшида айлаб,  
Бориб Ғарб кўкида  
Сўнади офтоб.  
Зеро, халқ нонини  
Егандан кейин  
Ашъорлар битайлик  
Шунга муносиб,  
Ҳуққабоздек бирпас  
Кўрсатиб ўйин,  
Сўнг лаънат тамғасин  
Кетмайлик осиб.  
Кекни юрагимдан

Олиб ташладим,  
Гуссалар чангида  
Бу охирги зарб.  
Гумроҳларга қарши  
Юриш бошладим,  
Менинг қисматимда  
Бор экан шу ҳарб!

\* \* \*

Сени сиғдирмади дўсту ёронлар,  
Қандай тенг келардинг ёлғиз уларга,  
Бўлди, қилма энди кўп пушаймонлар,  
Кунинг қолмаган-ку, фақат шуларга.  
Барги хазонларни босганча, тажанг  
Кўчага чиқасан кейин сўкиниб.  
Гўё оғироёқ хотиндек аранг,  
Тирбанд трамвайлар ўтар ўкиниб.  
Э, воҳ, яёв кетгинг келади бирам,  
Оҳиста жўнайсан манзилинг томон.  
Сирғалиб кетади кўкдан қуёш ҳам,  
Юлдузларин тўкиб йиғлайди осмон.

## МУҲАББАТ

*«Инонмоғим учун инсон зотига,  
Мен сенга инонмоқ истайман олдин».*

**Рауф Парфи**

Шундай борар эдик иккимиз танҳо,  
Чулғаб олган эди соҳир хаёлот.  
Гўё муҳаббатдан яралган дунё,  
Бизнинг юракларга боғлаган қанот.  
Ҳар босган қадамда сесканар эдик,  
Наҳотки бах иёр бўлмасак абад.

Сен менинг юзимга боқмас эдинг тик,  
Сенга термулмоққа йўқди ҳад  
Муҳаббат тангриси кўрсатди карам,  
Сочилди йўлларга хушбўй атриёт.  
Нозик қўлларингдан мен тутмасам ҳам,  
Кўзлар меҳр билан этди мулоқот.  
Секин борар эдик, ажралмоқ душвор,  
Сен уйга шошсанг-да, мени ўйлардинг.  
Бурҳон неъматидек ёғиб ўтган қор,  
Баҳор соғинчидек яширин дардини.  
Бу ўзга муҳаббат эди бетимсол,  
Гўёки ҳижронда иншо бўлган шеър.  
Иккимизга бирдек куларди иқбол,  
Иккимизни бирдек боғлаганди меҳр,  
Гўё ёлғиз эдик, бўм-бўш кўчалар,  
Одамлар бизларга фарқсиз боқарди.  
Бизларга бағрини очганди шаҳар,  
Бизларга бегона одамлар дарди.  
Ҳориб-чарчамадик ўша кеча биз,  
Армонли висолга етгандек илҳақ.  
Қор устида қолган икки бахтли из,  
Бошқа изларга ҳеч ўхшамас мутлақ.

\* \* \*

Кейин учрашувлар бўлди кетма-кет,  
Ўзга олам эдинг, бокира хилқат.  
Кўзлар тўқнашганда, бир зум бетма-бет,  
Мусаффо туйғулар уйғонди фақат.  
Буни муҳаббат деб атамадим мен,  
Бу олий севгидан турарди баланд.  
Садоқатли дўстдек бир умрга сен,  
Менинг борлиғимга ташладинг каманд.  
Кундан-кун қувончинг бўлиб зиёда,  
Менга илҳом бердинг, бўлиб дўст-ҳамдам.  
Гўё биз яшардик ўзга дунёда,  
Ташвишли дунёга фарзанд бўлсак ҳам...

Мен қишда баҳорнинг буйларин сездим,  
 Сен билан дардлашган кезларим нигор.  
 Ҳзгалар васлидан бир йўла бездим,  
 Унут бўлди алам, фироқ, оҳу зор.  
 Сенинг софлигингдан тийрадир шабнам,  
 Сенинг оташингдан эригай қуёш.  
 Беғубор ҳисларим қитиқлаган таъм,  
 Сенинг лабларингга тугилган бардош.  
 Наҳот муҳаббатга айланса дўстлик,  
 Ишонч ғнжимланиб бамисли қоғоз.  
 Менга боқмасанг-да, ғараз билан тик,  
 Маъсум туйғуларинг топса инқироз?  
 Ҳа, шундай бесабр барпо бўлди ишқ,  
 Орадан йўқолди кун-бакун эъзоз.  
 Қалбда чўкиб қолди гўё дард, қўшиқ,  
 Бўсалар тафтида эриди ихлос.  
 Соҳир хаёл қайда, ўзга бир сеҳр,  
 Ҳн саккизга кириб бўлдики шайдо?  
 Сўниб қолмасайди юракдаги меҳр,  
 Гул ўрнига тикан бўлмаса пайдо.  
 Наҳотки севганлар бахтли бўлмас ҳеч,  
 Сўнар юракдаги оташ, ғалаён.  
 Мен кимни ўйлайин энди эрта-кеч,  
 Сен кимлар кўзига боқасан ёлғон.  
 Бу қандай айрилиқ сеҳрли очун,  
 Шубҳадан бўғилиб, ўлмасин виждон.  
 Менинг муҳаббатим топмагай якун,  
 Менинг муҳаббатим бесару сомон.  
 Муҳаббат қалбларга бир келар баҳор,  
 Ҳ инсон қалбидан кетмас муаттар.  
 Ҳнга етган юрак лоладек доғдор,  
 Юксакдир самовий юлдузлар қадар.  
 Дилимда бўлмаса агар муҳаббат,  
 Балки қофиябоз шоир бўлардим.

Умр ўзи қисқа, оний бир фурсат,  
Мен умримни шеърга қўшмоқ истардим.  
Қоғозда қалбимни очиб банмкон,  
Ҳали дардларимни айтмадим тугал.  
Мени тан олишдан рад этмоқ осон,  
Шоирмас, ошиқ де, мени эй гўзал!  
Ғайри йўл тутмасман бўлиб афтода,  
Таскин излаб асло ичмасман шароб.  
Мен бир бор келаман ёруғ дунёга,  
Одамлар қалбига солиб инқилоб,  
Кейин майли руҳим учсин самога!  
Висолу ҳижратнинг алами ўзга,  
Оҳ-воҳдан иборат ошиқлар дарди,  
Суратимни чизиб у қора кўзга,  
Бир инсондек бахтли яшаш истардим.  
Ҳали курашларда тобларман ўзни,  
«Фарзанд замонага боқолмас бефарқ».  
Мен хаёл қиламан олис юлдузни,  
Қуёшинг кўксимда ёнар, кўҳна Шарқ...

## АЁЛ МУҲАББАТИ

Ҳеч ким сева олмас бу қадар,  
Ҳеч ким боқа олмас бундай лол.  
Сенсиз юраклардан кетмагай кадар,  
Ширин орзулардан яралган аёл.

Сенинг муҳаббатинг қозонмоқ асли,  
Жўшқин йигитликда телба жасорат.  
На-да, ўн саккиз ёш, ёмғирлар фасли,  
На ёлғон ваъдалар қилган башорат.

Сенинг муҳаббатинг бор экан дилда,  
Мен-да, мажнуона топаман камол.  
Агар орзуларинг чиқмаса тилга,  
Уни замириңдан излайман аёл.

Сенинг-да, сочларинг ипакдан майин,  
Сенинг-да, қўлларинг ёлгон сўзламас.  
Сени-да, қаритиб қўйганим сайин,  
Узимни кечира олмагайман, бас.

## САККИЗЛИКЛАР

\* \* \*

Тақдир деб, ёш тўкма қора кўзлардан,  
Кимгадир тиз чўкиб қилма илтижо.  
Эриб кетма асло ширин сўзлардан,  
Барча истакларинг этса ҳам бажо.

Маъсума уйғониш бўсаларини,  
Фунчадай асрагил севгилинг учун.  
Беқарор юракнинг ғуссаларини,  
Юлдузларга айтиб юпангил ҳар тун...

\* \* \*

Биринчи муҳаббат, сеҳрли оққуш,  
Қайларда адашиб юрибсан сарсон.  
Илк бора шаробдек айладнинг сархуш,  
Мангуга дилимни сўнг этдинг вайрон.

Энди асир этмас жоду кўзларни,  
Висоли, оғуши, шўх жилвалари.  
Менинг лабларимда куйган сўзларни,  
Пичирлаб айтмасанг бекордир бари.

\* \* \*

Омадим йўқ менинг севгидан,  
Илтижо ҳам қилмасман ёрга.  
Лекин ғамгин қараб қоламан,  
Мени ташлаб кетган баҳорга,

Тиз чўкмасман, эй қиз сенга ҳам,  
Бўлмоқ учун бирга бахтиёр.  
Кимдир сенга таъзим этган дам,  
Кимдир менга тиз чўкар дилдор.

\* \* \*

Омадсизлик менга бўлгач ёр,  
Ташлаб кетди мени суйганлар.  
Менинг билан бирга куйганлар,  
Ҳолинг на деб, сўрмади зинҳор.

Яна бахтим кулгани замон,  
Атрофимда жўралар бисёр.  
Майли, улар чекса ҳам озор,  
Тарозуга қараркан инсон.

\* \* \*

Шундай тасодифан учрашдик йўлда,  
Кўзларимиз пинҳон маъно изларди.  
Бизларга ноаён ошиқлик дарди,  
Шундай тасодифан учрашдик йўлда.  
Сени йўқотишдан қўрқар эдим мен,  
Гулимни дасталаб бера олмадим.  
Лабингдан гуллар ҳам тера олмадим,  
Сени йўқотишдан қўрқар эдим мен.  
Сен-да, олиб кетдинг дилда борини,  
Дунёни унутдим, сен бўлдинг дунё.  
Сенга етарманми, етолмасман ё,  
Сен-да, олиб кетдинг дилда борини.  
Хайрлашув гали қўл силкиб қолдинг,  
Сокин юрагингда қўзғалиб нидо.  
Наҳотки, севгилим, бу сўнгги видо,  
Хайрлашув гали қўл силкиб қолдинг.  
Мен севги кўйида гадо эмасман,

Қизларга роз айтиб, ҳали суймадим.  
Ҳижрон кечалари йнглаб куймадим,  
Мен севги кўйида гадо эмасман.  
Бироқ кўзларимни тўсиб қўйдинг сен,  
Бу ҳавас эдими ёки муҳаббат,  
Мен уни англашдан ожизман фақат,  
Бироқ кўзларимни тўсиб қўйдинг сен.  
Шундай тасодифан учрашдик йўлда..

\* \* \*

Ибн Сино ҳақида Лойиқ  
Шеърлар ёзар асаби таранг:  
Анқарада буюк Синони  
Турк деб, нашр этмишлар қаранг —  
У на ўзбек, у на аъроби,  
Барча тилни билгувчи қомус,  
Ўзбеклар ҳам уни ўзбек дер,  
Қолмади, эҳ, ҳеч элда номус.  
Ибн Сино волидасининг  
Номи Юлдуз эмас, Ситора,  
Демак унинг тожиклигига  
Амин бўлсак бўлгай минг бора.  
Нима керак даъвойи Сино,  
Нима керак зўрлигу зино?!  
Талашмайлик дейди Сипони,  
У ҳаммага эрур баробар,  
Вале ўзи бошлаб «кинони»  
Миңбарлардан туриб талашар!  
Қонимизда қоришган иллат,  
Аниқ бир кун ўлдирар бизни,  
Миңг йил бурун бир эди миллат,  
Ўнутмайлик дўстлигимизни.  
Бухорою Самарқандни ҳам  
Икки қўллаб тутайлик сизга,  
Буюк Ҳофиз шундай тухфани



Берганидай бир гўзал қизга.  
Дўстлигимиз бузилмаса бас,  
Шудир менинг орзу аъмолим,  
Мансабим-ку, унча каттамас,  
Эл тилидан сўзлайман, Олим:  
«Миллатпараст, барча бефарҳанг,  
Эл қонини сўргувчи қуртдир,  
Агар улкан дарахт бўлса ҳам,  
Ундайларнинг илдизи мўртдир!»

### ҚИЗ

Нечун пинҳон боқар у соҳир кўзлар.  
Балки сулув қизнинг илк нозидир бу.  
Лаблардан гул каби узилган сўзлар,  
Бокира хилқатнинг дилрозидир бу.  
Қанча давом этар бу ширин ҳолат,  
Хайём ечолмаган минг йиллик асрор.  
Ким унга севги деб берар кафолат,  
Ким унга дуч келиб бўлган бахтиёр.  
Қалбимни ўртайди масъум ғамгусор,  
Маъноси яширин, нигоҳлар тилсиз.  
Бир кун садо берар юракдаги тор,  
Унгача парвосиз яшар гўзал қиз.

### СОНЕТ

«Нечун гулим, кўзинг кулмайди нечун?»  
Адашиб қолдикми ҳаётда қайта?  
Кетамизми энди алвидо айта?  
Севгимиз қисмати бўлурми забун?

Энди кўзларингда порламас қуёш,  
Нима бу? Шафқатми, ё қаҳру ғазаб.  
Наҳот кек сақласа муҳаббатли қалб,  
Баҳорда самодан ёққан каби тош.

Ћаъна-тошларидан синмасин гулим,  
Дилдаги чақалоқ масъум туйғулар.  
Туйғуларни бўғиб ўтиб кетма жим.

Вужуд ишқ ўтида ёнар ларзакор,  
Қўнгилда бир гўзал ҳислар туғилар,  
Уни кўзларгина этолур изҳор.

\* \* \*

Исминг менга ноаён,  
Кўзинг ҳам сўрамас жон,  
Лабларинг эмас маржон.

Лекин сўлим, софдирсан.  
Езилмаган шеър каби.  
Е унут китобдирсан.

Е дилдаги армонсан,  
Ушалмайсан ҳеч қачон.  
Нигоҳинг ўқ, қошинг ёй  
Менинг кўкрагим нишон.

Ҳаётим хавф остида,  
Севолмасам не гуноҳ!  
Қарғамагин, сўлдирма,  
Мени бевақт ўлдирма.  
Шаробингдан ичмайман,  
Паймонамни тўлдирма.

Истагим, севил, севгил,  
Ухлаб умр кечирма.  
Нотаниш қиз, илтимос,  
Бошқа тушимга кирма.

## МАРТИН ИДЕН

О, Руфни севардим,  
Излардим вафо...  
«Муҳаббат кўйида бахтиёр йигит,  
Бўса ола туриб жон беражакдир».

\* \* \*

У мени севарди, баҳор гулларин,  
Бўйини таратиб келарди маҳзун.  
Севги қўшиқларин тинглаганида  
Не хаёллар қамраб, сеҳрли очун.  
Олтин сочларига кўмиб ташларди,  
Муҳаббати эди кундан-кун афзун.  
Сеҳрли Америка, хилват гўшалар,  
Киборлар олами нақадар зебо.  
Хазонлар кўрпадай ерга тўшалар,  
Қалбим денгиз каби тўлганарди, о,  
Лекин барчасига етди интиҳо,  
Жангари дўстларим қолди бир томон,  
Севги ҳукми билан яшадим маъруф.  
Интилган мақсадга етади, аён,  
Мен танҳо сен томон интилардим, Руфъ.  
Сен борсан, мен ғолиб, изларман чора,  
Мени ўраб олган ёвуз издиҳом.  
Қисматнинг ҳар икки томони қора  
Қимга насиб бўлса шоир деган ном,  
Сенга талпинарди қалбим беором.  
Яратдим насрнинг ажиб қасрини,  
Итқитиб орқага кўҳна асримни,  
Кейин шов-шувларда қозондим шухрат,  
Мени тарк этганди дунёвий лаззат.  
Обрўю эътибор энди не керак?  
Не зотлар кўрсатар менга илтифот.  
Мартин Иден, ахир ўша Мартинман.

Наҳот энди йўқдир менга бир нажот?  
Мен кетдим даврдан анча илгари,  
Бир дардкаш топилмас тингласа дардим.  
Энди менга фарқсиз қолгани бари,  
Муҳаббат шартини гарчи бажардим.  
Пойимга тиз чўкди киборлар ҳатто...  
Денгиз сафарига отландим, э, воҳ,  
Олис бир оролда яшамоқ бўлиб.  
Энди одамлардан кетдим ажралиб,  
Энди керак менга ўзга бир дунё.  
Бу дунёда энди сарғайиб, сўлиб,  
Кимнидир севмоқдан асрагил худо.  
Аввалу охири ўзинг эдинг, Руфъ,  
Оқиб ўтган дарё қайтмагай ҳаргиз,  
Бош эгиб соҳилда қолди ғамгин қиз...  
Елқанли кемага сиғмай қолгандек,  
Юрак амри билан шўнғидим сувга,  
Қўмилиб кетайин энди қаъринга,  
Мени ютиб юбор, қудратли денгиз.

\* \* \*

Ҳар кимнинг назмда ўз қалами бор,  
Ўз дарду ҳасрати, ўз алами бор.  
Шоирнинг қалбида доимо пинҳон,  
Ҳеч ким кашф этмаган ўз олами бор.

### ЗУ-ЗУ

*Қизим Зулайхога.*

Ҳеч кимдан  
Ҳайиқмай кулади бу қиз.  
Бу қизни эркалаб Зу-Зу,— дейишар.  
У сизга қўшилиб кулар кулсангиз,  
У ҳали каттамас, бир ярим яшар.

Бу қизча бўлмасин асло ғамгусор,  
Унинг кулгусидан яшнасин олам...  
Дилимдан ювилиб кетади ғубор,  
Мен сенга қўшилиб кулганда, болам!

## ЖОМИЙНОМА

«Кўрдик йўлида туганмас говдир,  
Бу жиловсиз бия жуда асовдир»<sup>1</sup>.  
Сўл тараф ёғийдир, ўнг тараф дарё,  
Ортидан қувгувчи оломон ёвдир.  
Дарёга ғарқ бўлса наҳанглар ютгай,  
Ёвга банди тушса қўли косовдир.  
«Бу говдан саломат қутқарсанг биям,  
Марра меникидир, меники довдир».  
Шундай деб, уловин қичаб кетмоқда,  
Даҳшат шамолида қалби оловдир.  
Ўт кетсин саҳрою биёбонларга,  
Агарчи оҳуга ҳар қашқир ёвдир.  
Саҳро оташинга беролмасдан тоб,  
Куйиб ҳалок бўлган минглаб бедовдир.  
Бировнинг қасдига тушган оломон,  
Нажот йўқ ўзлари ажалга овдир.  
Эгасин манзилга етказди бия  
Бир ёнда қудуқ бор, бир ён ўтовдир.  
Олим, одамлармас сени талаган,  
Суяк деб ташланган юзлаб «бобов»дир.

\* \* \*

«Қаргалар бўлибдур булбулим менинг,  
Қора илон эрур сунбулим менинг».

---

<sup>1</sup> Жомийдан.

Келиб бу даҳшатли ғордан олиб уч,  
Қайдасан Ғиротим — дулдулим менинг.  
Гўрўғли ўлдию девлар қутулди,  
Талон-торож бўлди Жамбулим менинг.  
Кўзага ёғийлар ташлаган заҳар,  
Ўлдирар шароби қул-қулим менинг.  
Қисмат тўшасини йўлда йўқотдим,  
Емакка йўқдурур ул-булим менинг.  
Севиб муродига етмаган зотман,  
Очилмай сўлмасин илк гулим менинг.  
Мен сенга сиғиндим қўллагин энди,  
Агарда бор бўлсанг расулим менинг.  
Сенга шак келтирсам мен шоҳ бўлганда,  
Майлига ўлдирсин ўз улим менинг.

\* \* \*

«Минг бора сапчиди томоғига жон,  
Кун ботиб келгунча шоми ғарибон»<sup>1</sup>.  
Савдойи бўлмади Зулайхо каби,  
Муҳаббати эди дилида ниҳон.  
Қайдан келдинг севги билмас эди у,  
Юрагини ишғол айладинг осон.  
Мени севармикан, йўқмикан дея,  
Еноғи холидан ташламади дон.  
Йигит билмас эди қизнинг дардини,  
Қиз эса йўлига эди нигорон.  
Баҳору ёз ўтиб куз келганида,  
Қизнинг юрагида қўзғолди исён.  
Хазон япроқларни юзига босиб,  
Деди: «Мен ҳам сендек сарғайган хазон!»  
Олим, дардномалар ёздинг, авлодлар  
Шодлик қўшигини куйлашгай, ишон!

---

<sup>1</sup> Жомийдан.



Кўзларим юлдуздай порлади, шам йўқ,  
Севгилим пинҳона чорлади, гам йўқ.  
Мажнун етолмаган висолга етдим,  
Энди ошиқларга жабру ситам йўқ.  
Эсимга тушди ул нолаю фарёд,  
«Кўнгул йиглайдию, кўзларда нам йўқ».  
Йўлимга гов бўлди бир гуруҳ шайтон,  
Уларнинг кўнглида армон, алам йўқ.  
Охири кўникдим шундай ҳаётга,  
Юракда минг йиллик эски ярам йўқ.  
Темурийлар қони менда ҳам бордир,  
Лекин давронию тахту ҳарам йўқ.  
Бошимни деворга уриб уйғондим,  
Қарасам туш экан, нозли санам йўқ.



«Самарқанд сайқали рўйи заминдир,  
Бухоро макони исломи диндир».  
Қон билан қорилган пойдеворлари,  
Пештоқлари тилло, ғишти сийминдир.  
Бир қизнинг холига икки шаҳарни,  
Ҳофиздек буюк қалб бермоғи чиндир.  
Темуршоҳга тарих этма маломат,  
Шоҳларнинг шеваси доим қиргиндир.  
Ундан ёдгор қолди ўлмас қасрлар,  
Гуноҳдан савоби бизга яқиндир.  
Улугбек бошига етган юлдузлар,  
Тарихда гувоҳдек кўкда ҳазиндир.  
Минглаб шоҳлар ўтди, ўтди амирлар,  
Улар ё хотинбоз ёки хоиндир.  
Кўчиб ўтгандан сўнг Ҳиротга пойтахт,  
Бойқаро ишратхоҳ, хилватнишиндир.  
Самарқандни ташлаб кетаркан Бобур,

Деди: «Шоҳ бошига қисмат ҳаминдир!»  
Мингбора таланиб, минг бор тикланди,  
Ер юзига сайқал бўлмоқ қийиндир.  
Самарқанд оламда тенгсиз обида,  
Тарихи мозийи туронзаминдир!

\* \* \*

Кимгадир хитоб этдим,  
Кимгадир итоб этдим,  
Умри гузарон, дерлар,  
Ҳар лаҳза шитоб этдим.  
Кўп бўлди хато, афсус,  
Қам кори савоб этдим.  
Гоҳ ойга боқиб маҳзун,  
Тунларни тавоб этдим.  
Ер суйди, суйиб мен ҳам  
Ишқига жавоб этдим.  
Мазмуни ҳаётимнинг  
Бул шеърӣй — китоб этдим.

\* \* \*

Бир подшоҳ садога айлар эди муфт,  
Лекин одамларни киргизарди жуфт.  
Ул бири сўраса қанча садога,  
Айтганин берарди подшоҳ, гадога.  
Ёнида жим турган бўшанг бечора,  
Ҳадя олар эди кўп, икки бора.  
Бундан огоҳ бўлган икки нокас зот,  
Подшоҳ ҳузурига қамчилади от.  
Бири устоз эди, пири риёкор,  
Бири шогирд эди, ҳар ишга тайёр.  
Сукунат сақларди шогирд ва устод,



Сўраган кам олур, жим турган зиёд:  
Подшоҳ, сабри тугаб, бул икки наҳсдан;  
Деди: «Тиланг, барча мулку ҳавасдан».  
Келажаги порлоқ шогирди пеша,  
Устодини енгиб келган ҳамиша.  
Деди: «Саховатли эшит сўзимни,  
Уйиб олгин менинг битта кўзимни...  
Қолган гап ўқувчим ўзингга аён,  
Нокасга ҳамнафас бўлма ҳеч қачон.

### БЕЗОРИНИНГ ДАВОСИ

*«Хирс агар мулло шавад бо зарби чўб,  
Беадабро ҳар кужо ёфти бикўб».*

Жанжалга тўймасди урушқоқ Маҳкам,  
Қичиб турар эди елкаси ҳар дам.  
Урарди гоҳи мушт, гоҳи бош билан,  
Не тушса қўлига, ҳатто тош билан.  
Йўқ эди қишлоқда унга тенг жасур,  
Дадаси эркалаб дерди: «Багатур!»  
Қим бўлса азалдан дардқаш, жангарини,  
Ундан чекинади дўстлари нари.  
Елғиз қолганда Маҳкам баҳодир,  
Қўпларни енгмоққа эмасдир қодир.  
Бир куни кимгадир қўйганда калла,  
Болалар ёприлиб келди баралла —  
Қўтариб урдилар ерга бирлашиб,  
Тепдилар олгандай зимдан сирлашиб.  
Таланган кучукдай чалажон Маҳкам,  
Судралиб уйига ташлади қадам.  
«Беадабни ур деб, айтган машойих,  
Мулло бўлгай калтак зарбидан айиқ»:  
Тотиб кўргач калтак зарбини Маҳкам,  
Бошқа безорилик қилмади ҳеч ҳам.

## ҒАЗАЛЛАР

*Жалолиддин Румийдан*

Эй, оташи оташнишон<sup>1</sup>, бул хонани вайрона қил,  
Ақлимни мандин ол мани, бошдин яна девона қил.  
Буз эшигин майхонани, қўрқмай кўтар паймонани,  
Тарк эту бу афсонани, зоҳидлигим афсона қил.  
Соқий, узат ул жомни, мандин олиб оромни,  
Қўй энди бул исломни, бор каъбани бутхона қил.  
Эй ошиқи шайдойи бор, бир жомга жонни эт нисор,  
Ул жоми Жамдин бўл хумор, бошингни ҳампаймона

қил.

Эй ишқ, нечук бунча жафо, жоним куйиб бўлди адо,  
Бор бир даме, баҳри худо, қасди дари жонона қил.  
Эй, офтоби осмон, рухсори шармингдан ниҳон,  
Кетсин десанг тўзғиб жаҳон, зулфи кажингни шона

қил.

Кел, Шамси Табризий аё, гамдин бўлибдурман адо,  
Ақлимга ўт ургил яно, бошдин мани девона қил.

\* \* \*

Эй ёрим- й, эй ёрим-эй, эй ёри бадкирдорим-эй,  
Эй ҳажри дил сўзим менинг, эй лутфидан гамхорим-эй.  
Эй ерда ойдек жилвагар, эй нимшаб бизга саҳар,  
Эй бизга қалқони хатар, эй абри шакарборим-эй.  
Шод айлабон жоним менинг, сандин бу дармоним

менинг,

Эй дину имоним менинг, эй баҳри гавҳардорим-эй.  
Эй жоним-эй, эй жоним-эй, султоним-эй, султоним-эй,  
Дарёи бепоеним эй, фикру хаёлда борим-эй.  
Эй тун кезарга машъала, девоналарга силсила,  
Ҳар қиблага карвон ила, сарбону ҳам сардорим-эй.  
Ҳам йўлтўсар, ҳам роҳбар, ҳам муштарию ҳам қамар,  
Ҳам ул қадар, ҳам бул қадар,

<sup>1</sup> а) Ўт ўчирувчи.

б) Оби оташнишон — шароб.

Ҳам дурга кўмган ёрим-эй.  
Чун Юсуфи пайғамбарим, келсанг олурга бор зарим,  
Ўт қўйки ёнсин сарсари, ҳам Мисру ҳам бозорим-эй.  
Ҳам Мўсию Тўримға-эй, Иснифа ранжуримға-эй,  
Ҳам нури, нури, нурим-эй, ҳам Аҳмади Мухторим-эй.  
Ҳам дўсти зиндоним менинг,  
Ҳам бахти хандоним менинг,  
Валлоҳки милёним менинг, кечдинг кўпимдин орим-эй.  
Десанг: «Манга бир не дегил»,  
Десамки: «Лол васфингда тил!»  
Десанг: «Келу важ излама, эй бандайи таррорим-эй».  
Десамки ганжи бебаҳо, деса: «Вале йўқ интиҳо,  
Жон истагайман неки жон?»  
— Десамки: «Ол, маккорим-эй!»  
Ганж истагайсан бошни бер, ишқ истагайсан жонни  
дер,  
Кир сафга энди мисли шер, эй Ҳайдари шунқорим-эй.

\* \* \*

Шамсу қамарим келди, самъу<sup>1</sup> басарим<sup>2</sup> келди,  
Ул сиймбарим келди, бул кони зарим келди.  
Гар ўзга не истайсан, ўзга неси ҳам бордир,  
Бошимга ҳушим келди, нури назарим келди.  
Ул Юсуфи сийминбар бағримда эди ногоҳ,  
Тавбасини бузғоним, ул йўлтўсарим келди.  
Эй дўсти азал бул кун, ўтган кунидин хушдир,  
Ўтган кунни маст эрдим, ундан хабарим келди.  
Ул кимники излардим, ўтган кунни шам бирла,  
Гул коса каби бул кун йўлдан ўтарим келди.  
Икки қўли бирлаи у тортди мани бағрига,  
Ул тожи гўзаллигини нодир гуҳарим келди.

---

<sup>1</sup> Кулоқ.

<sup>2</sup> Кўз.

Ул боғу баҳорин кўр, бул хамру хуморин кўр,  
Хубликда шиорин кўр, ул гулшакарим келди.  
Энди не учун қўрқай, ўлмоғу маломатдин,  
Ул обиҳаёт бирла, қалқон тутарим келди.  
Бул кунки Сулаймонман, муҳрингни берибдурсан,  
Бошимда шараф тожи, бахту зафарим келди.  
Ҳаддидан ошиб дардим, ишқ мулкани ахтардим,  
Ёраб, не саодатлар берган сафарим келди.  
Вақт ўлдики май ичсам, ақлимни ёқиб кечсам,  
Вақт ўлди учар бўлдим, чун болу парим келди.  
Вақт ўлди бу оламда тонг мисли чарақлайман,  
Наъра ураман шердек, қаҳру кадарим келди.  
Байт икки қолиб аммо, сургашди мани жоно,  
Бир жойки ажаб дунё, бас мухтасарим келди.

\* \* \*

Баққа булбулча бўлди,  
Сувилон кулча бўлди.  
Кулчани кўриб. баққа,  
Ўзин отди ўшаққа.  
Оғзини очиб илон,  
Уни ютди шу замон.  
Чумчуқлар чириллади,  
Қаноти пириллади.  
Бу ҳолдан бўлиб ҳайрон,  
Учиб кетдилар ҳар ён.  
Сувилон кулчамасдир,  
Баққа булбулчамасдир.  
Ишонманг «булбулча»га,  
Қўл чўзманг ул «кулча»га.  
Бирин алдаб «вақ» дейди,  
Иккинчиси нақ сйди.  
Вайсақи одамлар ҳам,  
Баққадан эмасдир кам.  
Баъзилар борки ҳамон,

Чақар илондан ёмон.  
Улардан юринг узоқ,  
Йўқса қўйишар тузоқ.  
Бири сизга «вақ...» дейди,  
Бири тутволса ейди.

## БОШҚОВОҚ

Чойхонада  
Ош устида  
Мақтанар Қайсар:  
«Ҳар бир шеърим,  
Шов-шув бўлар,  
Босилса агар».  
Озроқ ичиб:  
«Классикман»,—  
Деди бир йўла.  
Кимдир деди:  
«Қовоқ турин билмайсан, ўла».  
Нимага?— деб  
Санаб кетди Қайсарбой шу чоқ:  
«Уй тўйига осилади — томошақовоқ,  
Иккинчиси сувдон бўлар,  
Номи — сувқовоқ,  
Охиргиси ош бўлади,  
Дўстим — ошқовоқ».  
Тўртинчисин айтолмади тили галдираб,  
Қайдан билсин елкасида турар — БОШҚОВОҚ.

## МАНГУ ОЛОВ

Ен.  
Ёнавер аланга,  
Сенинг ёнганинг маъқул.  
Қара, бахтли келинга,  
Пойингга қўймоқда гул.

Ана, бева аёлнинг  
Қўзида ёш милтирар.  
Йигирма миллион шаҳид  
Шу оловда тирилар.  
Қўплар урушга кетди  
Ва лекин қайтгани йўқ.  
Улар кўксига қолган  
Бизларга отилган ўқ.

## ЙИЛЛАР

Йиллар бир-бир ўтди,  
Менга бўй бериб.  
Йиллар ташлаб кетди,  
Менга куй бериб.  
Йилларни ўтказдим  
Баъзан беором,  
Баъзан гул тутқазди,  
Баъзида ҳижрон.  
Йиллар баҳор чоғим,  
Йиллар кексалик.  
Йиллар — шўх ўртоғим,  
Шошманг бунчалик.

## МАНЗУРАНИНГ ҚУШИҒИ

*«Гул очилар гули билан,  
Шохида булбули билан.  
Манзураини қора кўзи  
Куйлар ошиқ тили билан».*

Баҳор ўтар, ёз ўтар,  
Учиб кетар турналар.  
Менинг севган ёримдан  
Келтиради ким хабар?

Қуриб қолган булоқлар,  
Тўкилади япроқлар.  
Ҳижронинг ғами бўлиб  
Елкамдан босар тоғлар.

Турналар жуфт ўтганда,  
Йигитлар гул тутганда,  
Қимдир кимни кутганда,  
Сени қалбим сўроқлар.

Баҳор ўтар, ёз ўтар,  
Учиб кетар турналар,  
Менинг севган ёримдан  
Келтиради ким хабар?

### ЭҲТИЁТ

Илоннинг ёғини ялаган  
Бир куни айланар илонга.  
Эҳтиёт бўл ундан, эҳтиёт!

Ўзининг эгасин талаган  
Кучукча айланар қоплонга.  
Эҳтиёт бўл ундан, эҳтиёт!

Сени дўстим, дея алдаган  
Бир куни айланар душманга,  
Эҳтиёт бўл ундан, эҳтиёт!

Урушнинг оловин қалаган  
Бир куни ўт қўяр жаҳонга.  
Эҳтиёт бўл ундан, эҳтиёт!

## ҚАСОС

*Энди хавфсирайсиз орқага қараб,  
Не бўлди, бошдан ё ҳумо учдимиз?  
Юрса, юрибди-да, изларингиздан  
Саноқсиз болалар  
Тугиб муштини...*

**Шавкат Раҳмон**

Маймундан тарқаган  
Одамзод деган,  
Ҳикмат мени доим шубҳага солар,  
Шубҳада қолгандай гоҳо ҳақиқат,  
Тантана қилгандай мудом иғволар.  
Етмадим очиқ ҳарбнинг фурсати,  
Ноҳақ ҳаққа ҳамон ташлайди калла.  
Кимдир тошни чайнар,  
Танглайда олов,  
Сиз толқон ковшайсиз  
Ичиб атала,  
Ва ютиб чиқасиз муҳорабада,  
Икки чашмингизда ёнар машъала.  
Аждаҳога менгзар кемшик комингиз,  
Аямай ютасиз «ёш илонларни»,  
Ҳолбуки ютмагай илонни илон,  
Улар хуш кўришгай қурбақаларни.  
Булбулдай севишар сайроқларини  
Сиз эса куйдан-да куйган бандасиз,  
Аслида дунёдан тўйган бандасиз,  
Изингиздан келган «қасоскорларни»  
Аямай кўзини ўйган бандасиз!  
Куч эмас сиздаги Рўё  
Бир қудрат,  
Пўлатни сув каби кесувчи олмос,



Сизга отилган ўқ худога тегар,  
Қаҳрингиздан ёғий сўнг омон қолмас.  
Мен эса бахтлиман  
Сиздай зот билан,  
Курашдим, курашдим,  
Бўлмадим мағлуб,  
Бодомдек кўзимни ўёлмадингиз,  
Мендай рақиб эди, Сиз учун на хуб?  
Тан бердим, маккорсиз,  
Доғулисиз кўп,  
Йўл топдингиз яна сулҳ-осойишга,  
Қиличингиз синиб, мулзам бўлган дам,  
Ярим баҳя қолган чоғда ўлишга,  
Бошингизга эмас,  
Ўткир шамширни,  
Солдим шиддат бирла ғилофига боз,  
Англамаган одам буни шафқат дер,  
Ори бор одамга бу эрур қасос!

## НАСРИ ТОИР

*«Жаҳон нур Шамси Табрез аст,  
Марде ку, чу Мавлоно?»*

Камол Хўжандий

Едингдами Асқар?—  
Сир соҳилида  
Насри Тоирни<sup>1</sup>  
Ёд этганимиз.  
Камол Хўжандийнинг

---

<sup>1</sup> А т т о и р — юлдузнинг номи, учар юлдуз, қаргасга ўхшаш.

Бир байти билан  
Форс шоирни  
Ёд этганимиз:  
«Шамси Табризийлар  
Кўпдир жаҳонда  
Лекин Мавлонодек  
Бир мард бормикин?»  
Ёдингдами Асқар?—  
Сирга чўмилиб,  
Мурод жилғасини  
Ёд этганимиз!  
Қум узра  
Балиқдай  
Ётган қизларни  
Бир ҳазил шеър ўқиб  
Шод этганимиз:  
Мен энди кетарман  
Пинҳон ва ёлғиз,  
Шамолу дарёлар  
Бўйлаб кетарман.  
Олтин Балиқ каби  
Қумда ётган қиз,  
Сувга ташламасам  
Энди нетарсан?  
Ёдингдами Асқар?—  
Ленинбоднинг  
Чивинзор ёзию  
Қаҳратон қиши.  
Мактубда севишиб  
Юрган дилдорнинг,  
Костюмингни кўриб  
Айнаб кетиши.  
Осмонни тутатиб  
Чекдинг туну кун  
Охири юракнинг  
Чиқди жандаси

Сендан афзал эди  
Унга Тошкентнинг  
Соябонқалпоқли  
«Ғилоф бандаси»!  
Ёдингдами Асқар?—  
Кулгили ҳаёт  
Ҳали бўғизгача  
Келмаган ғамлар,  
Назм саҳнасида  
Шоирлар эмас,  
Ҳунар кўрсатмоқда  
Қилвир одамлар!  
Ёдингдами Асқар?—  
Виждонни алдаб,  
Жимгина ёстиққа  
Бош қўйганларинг,  
Сени севармикан  
Ишонасанми?  
Қимматга тушмасми —  
Бу куйганларинг?!  
Менинг хотирамдан  
Кетмайди асло  
Жаннатмакон Сирнинг  
Соҳиллари ҳеч,  
Илк севги шаклида  
Кўринган бало  
Қучоғимга кел, деб  
Чорларди ҳар кеч!  
Шундан ёд этаман  
Насри Тоирни  
Инсоннинг абадий  
Дўстидир нужум,  
Осмон асрамаса  
Битта шоирни  
Замин аждарлари  
Ютиши мумкин!

## МАНГУЛИК НИДОСИ

*Навоийнинг ашъоридин неча байт,  
Менинг ҳасби ҳолим этиб туркий айт.*

Навоий

Ҳазрати Алишер  
Улуғ Навоий,  
Туркий сўз  
Қудратин этди  
Намоён.  
Гарчи кўп асрлар  
Форс шаккаридан  
Дуржи хазинага  
Тўлганди жаҳон:  
«Туркий тил ила  
Мураттаб этдим,  
Яратдим ўзимга  
Замину Осмон!..»  
Ганжада Низомий,  
Тусда Фирдавсий,  
Ҳиндда Амир Хусрав  
Эди газнабон.  
Форсий шеърятнинг  
Ўн пайғамбари<sup>1</sup>  
Куйлади барҳаққи  
Замини Эрон.  
Сурхоб водийсида  
Келди оламга  
Румий шуҳратига  
Тўлгандир жаҳон.

---

<sup>1</sup> Ўн буюк форс шоири: Рудакий, Анварий, Фирдавский, Низомий, Деҳлавий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий.

Шамси Табризийга  
Бахшида этди.  
Эллик тўрт минг байтдан  
Иборат девон.  
Саъдий бир юз саккиз  
Баҳорни кўрди,  
Кашфи ғазал қилди  
Яратди «Бўстон».  
Навий томондан  
Азбар этилди  
Нодир ривоятлар  
Қони «Гулистон».  
«Мантиқ-ут-тайр»нинг  
Лаҳжаларини  
Идроки мен учун  
Мавҳумдир ҳамон,  
Аттор китобидан  
Миралишербек  
Англади илк бора  
Тайрона лисон.  
Хўжа Ҳофиз эди  
Устоди ғазал  
Услубда хуршиди  
Сипеҳри<sup>1</sup> гардон:  
«Сўз қудратин бергай  
Оллоҳнинг ўзи  
Ҳасад қилма ҳаргиз  
Ҳофизга нодон».  
Тарих Рудакийнинг  
Кўзини олиб  
Этди мангуликка  
Ойнан жаҳон.

---

<sup>1</sup> Осмон.

Панжакент эдими  
Сарчашмайи назм?  
Ё хобдан кўзини очмаган Эрон?  
Сино бир нафасга  
Тирилса дерди:  
— Даҳо талашмоқлик  
Бу кори шайтон.  
«Қамол Хўжандийнинг  
Ғамгин қиссаси  
Иштиҳо топганда  
Шўру исёнда»,  
Пайдо бўлди икки  
Назми Қаҳқашон,  
Моҳу меҳр каби  
Чархи гардонда:  
Жомий эди бири  
Қурди «Етти тахт»,  
Энг сўнгги пояси  
Еттинчи осмон,  
Ўн бешинчи аср  
Зарварағида  
Шеър қибласи кўчди  
Ҳиротга, эй жон.  
Бир гуруҳ жоҳиллар  
Тошбўронида  
Руҳинг озор топди  
Эй, туркий забон.  
Ҳазрати Жомийга  
Бақамти туриб,  
Ўн саккиз минг олам  
Ҳайрати билан  
Сенга ҳаёт берди  
Шоирни даврон.  
Улуғ Навоийнинг  
Ҳар байти бирлан  
Қудратинг оламга

Бўлди намоён:  
«Тилим бирлан яшар  
Менинг ижодим  
Дуоғўйим махдум  
Устои Жомий»,  
«Девони Фоний»га  
Интиҳо бердим  
Буёғи мангулик  
Туркий тамоми.  
Ганжа ғазнабони  
Ул пири сухан  
Оламни сўз билан  
Этди мусаххар.  
Довлашмоққа дилу  
Солишмоққа илк  
Борму  
Набард учун  
Чиқмоққа магар?  
Гарчи «Суллоҳларнинг  
Зеби васфимас,  
Туркийдан ор қилур  
Баъзи бир шоҳлар.  
Юксак насабини  
Фақат форсийда  
Қасоид бўлмоғин  
Истар гумроҳлар»<sup>1</sup>.  
Ганжа даҳосининг  
Бу сатрлари  
Тилгамас,  
Шоҳларга отилган ўқдир.  
Ўз она тилини йўқотса шоир,  
Бундан буюк фоже оламда йўқдир.  
Менинг хазинаммас  
Бу эл ғазнаси,

---

<sup>1</sup> Низомийдан.

Низомий илкига урибман панжа,  
Эй, ваҳки туркийнинг  
Шаҳдидан маҳрум  
Барча мухолифлар  
Топди шиканжа:  
«Гарчи, мақтайдурман  
Ўз бисотимни,  
Бу олам бозордир  
Иложим қанча.  
Оддий мунчоғини  
Дур деб ҳайқирар,  
Савдогар амаллаб  
То сотмагунча»<sup>1</sup>.  
«Ҳайрат-ул-аброр»нинг  
Ҳайратларидан,  
Ёқамни ушладим  
Эй, туркий бунёд,  
«Фарҳод ва Ширин»нинг  
Меҳнатларидан  
Ўртаниб, эй фалак  
Ўзим чекдим дод.  
Сени асролмадим  
Ёсуманлардан  
Даҳр золи заҳар  
Берганда Фарҳод.  
Сиришким дарёси  
Ишқ водийсида  
Туркий наҳрларда  
Тўлиб оқди хун.  
Асотирлар ҳамон  
Руҳимни қийнар,  
Лайли чодирдаю  
Саҳрода Мажнун.

---

<sup>1</sup> Жомийдан.



«Сабъан сайёр»да  
Оламни кездим,  
Дилором,  
Дилором,  
Дилором қайда?  
Чанг тори узилди  
Шодлик куйидан  
Томуғ азобидан  
Инградим найда.  
Зеро, роҳим эди  
Умримдан дароз,  
Қаршимда турарди  
«Садди Искандар...»  
Менга она тилим  
Бахш этган овоз  
Сўнгги уринишим  
Кетмасин ҳадар!<sup>1</sup>...  
Қазо килки бир кун  
Хотимул ҳаёт,  
Сафҳасин очганда  
Мани фақирга,  
Умрим салтанати  
Топса ҳам барбод,  
Вужудим хок ўлгай,  
Руҳим қасирга!  
Рўзгорим узлатда  
Топди инкишоф,  
«Маънолар ғазнаси»,  
«Беш бебаҳо ганж»,  
«Ишқий шаббода»лар  
Руҳим этди соф,  
Топгай муродини  
Қимки чекса ранж.

---

<sup>1</sup> Беҳуда.

## РИВОЯТ

Девларнинг подшоҳи Сулаймон,  
Яшарди бир улкан қасрда.  
Деворининг ҳар битта гишти  
Қуйилганди кумуш ва зардан.

Етти иқлим мулкани гарчи  
Салтанат муҳрига қаратган.  
Лекин ўтин сотиб, пулига  
У ўз қозонини қайнатган.

## ҲУСН

Тангри чирой берганда менга,  
Ялинмасдим гўзал қиз сенга.  
Сенинг танҳо бойлигинг ҳусн.  
Майли, яша гўзал шу йўсин.  
Бугун мени этганингдек хор,  
Гул ҳуснинингнинг сўлиши ҳам бор.

## ҚОЯДАН УЧГАН ТОШ

Мен қоядан учган бир тош,  
Қайтолмайман ўрнимга.  
Кўзларига суртмас қуёш,  
Ўйинчоқман ҳар кимга.  
Гоҳ филдирак остидаман,  
Гоҳо ёнғоқ чақарлар.  
Баланд тоғлар пастидаман,  
Писанд қилмай боқарлар.  
Гуллар аро турганимда  
Ҳайиқарди одамлар.  
Энди пастга урганимда  
Бошим узра қадамлар.  
Юксакликда собит турсанг

Биров сени демас кам.  
Уз қадрингни пастга урсанг,  
Сен бир тошсан, эй одам.

## **ФИРИБГАР АВЛИЁНИНГ ҚУТУРГАН ИТ ТЕККАН ФАРАНГ ТОШБАҚАСИНИ ЕБ АҚЛДАН ОЗГАНИ ҲАҚИДА РИВОЯТ**

Бир фирибгар бор экан,  
Тулкидек айёр экан.  
Иш деганда гарангу  
Ош деса тайёр экан.  
Қорни тўйса кечгача  
Айтгани ёр-ёр экан.  
Маймунсифат ва лекин  
Фирибда нажор экан.  
Яратибди хулласки,  
Худога даркор экан.  
Алдаркўсани алдаб,  
Шайтонга дастёр экан.  
Дуохонлик илмидан  
Озроқ хабардор экан.  
Борган жойи ҳар куни  
Азонлаб бозор экан.  
«Бисмилло»— деб, сотгани  
Учбурчак тумор экан.

\* \* \*

Бориб-бориб, ул фирибгар  
Айланиб корчалонга,  
Номи кетиб, машҳур бўпти  
Қалъайихум томонда.  
Аввал фолбин, кейин эшон,  
Сўнг бўлибди авлиё.  
Муродига етар экан,

Кимга берса у дуо.  
Майиб-мажруҳ дарҳол унинг  
Ҳузурига шошибди,  
Ким яқиндан кепти,  
Кимдир қитъа ошибди.  
Ажаб ҳолки, ким истаса  
Ундан дардига даво  
Тўрт кундан сўнг соғаясан  
Деб алдаркан авлиё!  
Не ҳикмати, тўрт кундан сўнг,  
Кимдир даво топибди,  
Эртаси кун бор-йўғини  
Олиб унга чопибди.  
Турон билан Эрон аро  
Шуҳрати бўлиб дoston  
Оврупою Америка,  
Билибди Ҳабашистон.  
Фирибгармас, энди ул зот,  
Шайхурраис бўлибди,  
Шифоталаб одамларга  
Маҳалласи тўлибди.  
Келар экан совға-салом,  
Қасал билан ҳар хилда,  
Бош ирғаркан:  
«Гудбай», «мерси»,  
«Худо ҳофиз» юз тилда.  
Минг хил элат ўз юртида  
Нима бўлса таомил,  
Шуни бериб, рози қипти  
Биров эшак, биров фил.  
Бир фаранги посилкаси  
Чиқибди зап антиқа,  
Очиб кўрса сандиқчада,  
Тўртта ўлик тошбақа.  
Кўчаларда сифмай қопти  
Унинг мулку моллари,

Хизмат учун кепти баъзи  
Давлат оқсоқоллари.  
Тиланарди, эҳ, у кунлар,  
Қорни тўймасди ошга,  
Бир эшакни орзу қилиб  
Яёв қатнарди Шошга!  
Энди кулар «Жигули»дан,  
Арава дер «Волга»ни.  
Фароғатда кечар тўкис  
Ҳаётининг қолгани.  
Аммо унинг бир нарсага  
Сира ақли етмасди,  
Ғарбдан келган тошбақалар  
Ҳаёлидан кетмасди.  
Ўлкашунос бир олимдан  
Сўради бўлиб гаранг.  
Боиси не?— тўрт тошбақа  
Юборибдир бир фаранг.  
Олим эса изоҳ берди:  
«Оврупода бу — мода!  
Мағриб замин таомили,  
Билмайсизми, эй содда?!»  
Шайх ўйлади, куфри неъмат  
Ранжитгайдир худони,  
Нима бўпти тотиб кўрсам,  
Бир лаззати дунёни.  
Сасиб кетган тошбақалар  
Қайнаганда вақиллаб,  
Кутиб турди сабр қилиб  
Шайх томоғи тақиллаб.  
Қайнатмага шолғом билан  
Зираворлар солдирди,  
Бўкиб еди, бир қисмини  
Нонуштага қолдирди.  
Ошпазига деди: «Ерман  
Қолганини азонда,

Итми, пишак еб кетмасин,  
Солиб қўйгин қозонга.  
Кўп неъматлар ато этган  
Парвардигор инсонга,  
Бундай таом емагандим  
Келиб ёруғ жаҳонга».  
Шайх тун бўйи ухлолмади,  
Нимагадир таъби хит,  
Тошбақага тасодифан  
Текканди қутурган ит.  
Саҳар туриб, қайнатманинг  
Қолганини туширди,  
Бир меш қимиз ичиб кейин  
Ишкамбасин шиширди.  
Қўққис унинг миясига,  
Ғалати фикр кирди,  
Унга недир керак эди,  
Ниманидир қидирди.  
Тополмади, ялангоёқ  
Сўнг кўчага югурди.  
Феъли айнаб, салом берган  
Одамларга тупурди.  
Чолни кўрса бола деди,  
Кампир кўрса қиз деди,  
Қорнимда бор тўрт тошбақа,  
Ва бир меш қимиз деди.  
Мушук кўрса миёвлади,  
Итларга қараб ҳурди,  
Тегмаганга кесак отди,  
«Ғинг»— деса кимки урди.  
Номи кетган авлиёни  
Кўриб ёқа ушар эл,  
Қулиб ўйнар, ёш боладек  
Уялмай, чиқариб ел.  
Шайх кўчада кезар эди,  
Шармандаю девона,

Ходимлари ташиб кетди,  
Мол-мулкини ҳар ёна.  
Аввалгидек фирибгарнинг  
Уйи қолди ҳувиллаб,  
Кўчаларда кезар эди  
Қашқир каби увиллаб.  
Одамларга аён бўлди  
Телбадек юрмагидан  
Қимдир деди: «Ўтгандир  
Бу зот ёнғоқ тагидан».  
Алдаб-сулдаб оборғилар  
Фирибгарни бир уйга,  
Даволашди укол қилиб,  
Қарамасдан «вой-вуй»га,  
Олти ойдан сўнг фирибгар  
Келди бир кун ҳушига.  
Ишонмасди қилмишлари  
Кирса ҳатто тушига.

\* \* \*

Кўчаларда юрар энди  
Гердаймасдан эгиб бош,  
Юрагида ётар энди,  
Битта армон, битта тош:  
«Пул қўл кири, топилади,  
Бош соғ бўлса, чойчақа,  
«Қизил китоб» деганига  
Кирмаса бас тошбақа!  
Ҳазориспанд<sup>1</sup> тутатади  
Танда жулдур — увада,  
Даромади ёмон эмас,  
«Ишлар» «Эски Жува»да.

---

<sup>1</sup> Исириқ.

## МУНДАРИЖА

Аттоир . . . . .	3	«Минг бора...» . . . . .	30
Қадр . . . . .	3	«Кўзларим...» . . . . .	31
«...Қадимий турк» . . . . .	4	«Қимгадир...» . . . . .	32
«Оғир ҳансирайди...» . . . . .	4	«Самарқанд...» . . . . .	31
«Март феврални...» . . . . .	5	«Бир подшоҳ...» . . . . .	32
Баҳорни қўмсадим . . . . .	5	Безорининг давоси . . . . .	33
«Мен яшадим...» . . . . .	8	Ғазаллар ( <i>Жалолиддин Румийдан</i> ) . . . . .	34
Зебуннисо . . . . .	9	1. «Эй оташи...» . . . . .	34
Жаҳондор . . . . .	11	2. «Эй ёрим-эй...» . . . . .	34
«Тоғларнинг» . . . . .	11	3. «Шамсу қамарим...» . . . . .	35
«Қулаб...» . . . . .	12	«Баққа булбулча бўлди...» . . . . .	36
Йўллар . . . . .	12	Мангу олов . . . . .	37
«Сизда бордир...» . . . . .	13	Бошқовоқ . . . . .	37
Ҳарб . . . . .	13	Йиллар . . . . .	38
«Сени сиғдирмади...» . . . . .	18	Манзуранинг қўшиғи . . . . .	38
Муҳаббат . . . . .	18	Эҳтиёт . . . . .	39
Аёл муҳаббати . . . . .	21	Қасос . . . . .	40
Саккизликлар . . . . .	22	Насри Тоир . . . . .	41
«Шундай...» . . . . .	23	Мангулик нидоси . . . . .	44
«Ибн Сино» . . . . .	24	Ривоят . . . . .	50
Қиз . . . . .	25	Ҳусн . . . . .	50
Сонет . . . . .	25	Қоядан учган тош . . . . .	50
«Исминг...» . . . . .	26	Фирибгар авлиёнинг қу- турган ит теккан фаранг тошбақасини еб ақлдан озгани ҳақида ривоят . . . . .	51
Мартин Иден . . . . .	27		
«Ҳар кимнинг...» . . . . .	28		
Зу-зу . . . . .	28		
Жомийнома . . . . .	29		
«Қарғалар...» . . . . .	29		

Литерагурно-художественное издание

**Алимжон Бўриев. АТТАЙИР**

Стихи

Художник Ю. Габзалилов

Ташкент, издательство литературы и искусства им Г.Гуляма:

*На узбекском языке. Адабий-бадний нашр*

**Олимжон Бўриев. АТТОИР**

Шеърлар

Муҳаррир *М. Юсуф*, расмлар муҳаррири *А. Мамажонов*, техн. муҳаррир *Н. Сейдуалиева*, корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 4642

Босмахонага берилди 25.10.89. Босишга рухсат этилди 15.12.89. Р 10861. Формати 70х90/32. Босмахона қоғози №1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,05. Шартли кр—оттиск 2,19. Нашр л. 2,5. Тиражи 10000. Заказ №1290. Баҳоси 35 т. Шартнома 37—89. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриёти, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.